

АХРАБ — (арабча — вайрон бўлган) мафойилун (V ----) рукнининг «харб» (вайрон килиш) зихофига учраши натижаси ўларок, хосил бўлган «мафъувлу» (чизмаси: — V) «хароб бўлган, вайрон килинган» деган маъно берувчи тармок рукн. Ушбу тармок рукн мумтоз шеъриятимизда жуда кенг қўлланилади. Масалан Лутфийнинг

Сен сан се- / ва-рим, хо-х / и-нон, хо-х / и-нон-ма,

— — V / V — — V / V — — V / V — —

Кон-дур жи- / га-рим, хо-х / и-нон, хо-х / и-нон-ма.

— — V / V — — V / V — — V / V--

байтидаги садр ва ибтидоъ, яъни хар иккала мисраининг биринчи рукнлари «мафъувлу» «мафойилун»нинг «ахраб» тармоги саналади. Шу сабабдан ушбу байтнинг вазни хазажи мусаммани ахраби макфуфи махзуф дея юритилади. Ушбу тармок рукн рубоий жанрининг 12 та вазнида биринчи рукн ўрнида келади ва бу хил рубоийлар гурухига нисбатан ахраб шажараси истилохи ишлатилади. Ахраб шажараси куйидаги рубоий вазнларини ўз камровига олади:

- 1) хазажи мусаммани ахраби макбузи солими абтар;
- 2) хазажи мусаммани ахраби макбузи солими азалл;
- 3) хазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи ажабб;
- 4) хазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи ахтам;
- 5) хазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар;
- 6) хазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл;
- 7) хазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб;
- 8) хазажи мусаммани ахраби макфуфи ахтам;
- 9) хазажи мусаммани ахраби солими ахрами абтар;
- 10) хазажи мусаммани ахраби солими ахрами азалл;
- 11) хазажи мусаммани ахраби солими ажабб;
- 12) хазажи мусаммани ахраби солими ахрам.